

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Йўлчиев

Лирик шеърда сюжет ва топохронос 102

С.Эшонқулов

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари 108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши 113

З.Рахимов, Ш.Искандарова

Фарона тилшунослик мактаби 116

Р.Шукуров, Г.Жўрабоева

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир 123

М.Абдуллаттоев

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари 128

З.Алимова

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши 133

Ш.Дадабоева

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари 138

Н.Якубова

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида 142

Л.Абдуллаева

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида 146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг
моделлари 150

Г.Хамраева

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш
усуллари 157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сирохиддинов, Ж.Назирқулов

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш 163

М.Султонова

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели
ва ундаги муаммолар 167

Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш 171

И.Асқаров, М.Холматова

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби 175

Х.Муйдинов, Ж.Қодиров

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар
ҳашаротларининг учиш муддатлари 180

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари 183

А.Эшниязова

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси 187

Т.Рузибоев

Жудолик Навоий талқинида 191

Ш.Махмиджонов

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари 195

УДК: 41+42/49

ФАРГОНА ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБИ

ФЕРГАНСКАЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ШКОЛА

FERGHANA LINGUISTIC SCHOOL

Раҳимов Зокир Азимович¹, Искандарова Шарифа Мадалиевна²¹Раҳимов Зокир Азимович²Искандарова Шарифа Мадалиевна

– ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

– ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.

Аннотация

Мақолада Фарғона филология мактабининг ажралмас қисми бўлган тилшунослик мактабининг шаклланиши, ўтган даврда, айниқса мустақиллик йилларида амалга оширилган салмоқли ишлар таҳлил қилиниб, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашида эришилган натижалар ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье рассматривается становление ферганской филологической школы, которая является неотъемлемой частью лингвистики, особенно в годы независимости, показаны значительные результаты, достигнутые при подготовке научно-педагогических кадров.

Annotation

The article examines the formation of the linguistic school, which is an integral part of the Fergana philological school, as well as significant work has been done in the past, especially in the years of independence, and shows significant results achieved in the preparation of scientific and pedagogical personnel.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона филология мактаби, Фарғона тилшунослик мактаби, анъана, устоз-шоғирд, илмий-тадқиқот, тилшунос олим, диссертация, монография, кўлланма.

Ключевые слова и выражения: ферганская филологическая школа, ферганская школа языкоznания, традиция, наставник-ученик, научное исследование, лингвист, диссертация, монография, учебное пособие.

Keywords and expressions: Fergana philological school, Fergana school of linguistics, tradition, mentor-student, scientific research, linguist, dissertation, monograph, textbook.

Ўзининг 90 йиллигини нишонлаётган Фарғона филология мактабининг шаклланиши, тизимли ва самарали фаолиятида фарғоналик тилшунос олимларнинг хизматлари каттадир [1].

Дастлаб тилшунос олимларимиз 1930 йил май ойида ташкил этилган Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида фаолият бошладилар. Бу кафедра ўтган давр мобайнида ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши, тилшунос илмий-педагогик ходимларнинг тарбияланишида жуда катта хизмат қилди.

Тарихга эътибор қаратсак, кафедрада миллий тилшунослигимиз тараққиёти, Фарғонада филолог кадрлар тайёрлаш ва илмий мактабларни шакллантиришга катта ҳисса қўшган академик Ганижон Абдураҳмонов (1925-2016), профессорлар Бакир Чўпонзода(1893-1937), Абдураҳмон Саъдий (1889-1956), Константин Кузьмич Юдахин (1890-1975), Акбаржон Матғозиев (1934-2007), Мамажон Мукаррамов(1941-1997), Ҳайдарали Узоқов (1930-2008),

доцентлар Аҳрор Маъруфов (1908-1977), Каримжон Юсупов (1916-2009), Турди Рустамов (1927-2010), Ҳасанхон Рустамов (1922-1996), Исломжон Фармонов (1913-1989), Ҳайрулла Фаттоҳов (1945-1987), Тўйчи Турғунов (1933-1997) каби кўплаб таниқли олимлар меҳнат қилганлар.

Янги ташкил этилган кафедрада кумик тилининг иирик тадқиқотчиси, Озарбайжон давлат университети профессори Бакир Чўпонзода 1930-1935 йилларда мудир сифатида фаолият кўрсатган. Олим кафедра илмий салоҳиятининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, янги кадрлар билан бойиши, айни вақтда, зарур илмий-услубий манбалар билан таъминланишига алоҳида аҳамият берди. “Турк тили методикаси” (1932) асарини нашр эттириди.

1935-1937 йилларда ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига профессор Абдураҳмон Саъдий раҳбарлик қилди. II Жаҳон уруши даврида кафедра Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институти раҳбарлигига иш олиб борди. Урушдан сўнг алоҳида кафедра сифатида ажратилиб, 1949

ТИЛШУНОСЛИК

йилгача ўзбек тили ва адабиёти, 2011 йилга қадар ўзбек тилшунослиги, ҳозирда тилшунослик номи билан фаолият кўрсатмоқда.

1949-1958 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасига Ганижон Абдураҳмонов мудирлик қилган. Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг республика миқёсида нуфузининг ортишида академик F.Абдураҳмоновнинг ўрни катта. Олимнинг ҳозирги ўзбек тили синтаксиси ва тарихий синтаксис бўйича олиб борган тадқиқотлари, айниқса, эътиборга лойиқ. У илк бора ўзбек тилида ажратилган гап бўлаклари мавжудлиги ҳақидаги масалани ўртага ташлади ва уни назарий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берди. “Ўзбек адабий тилининг қўшма гап синтаксиси асослари” монографиясида қўшма гапнинг ҳали ўрганилмаган ва ўзбек тилшунослигига таърифланмаган конструкцияси – боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида баҳс юритди ҳамда шундай синтактик қурилманинг ўзбек тилида мавжудлигини исботлади.

Академик F.Абдураҳмоновнинг ўзбек тили синтаксиси, ўзбек тилида ажратилган гап бўлаклари, ўзбек адабий тилининг қўшма гап синтаксиси масалалари, шу билан бирга, ўзбек тили тарихи, хусусан, фонетика тарихи, синтактик қурилмаларнинг тарихий ривожи, айrim ёдгорликлар тилининг синтактик тузилиши каби масалаларни ўрганишга доир хизматлари фанимиз равнақига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

F.Абдураҳмонов Фарғона филология мактабининг шаклпанишига катта ҳисса қўшиб, А.Матғозиев, А.Мамажонов ва М.Раҳмонов каби маҳаллий кадрларнинг тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилди.

Кафедранинг равнақ топишида ўтган асрнинг 50-йилларида фаолият кўрсатган таникли турколог олим Константин Кузьмич Юдахиннинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. У 1952-1954 йилларда Фарғона давлат педагогика институти профессори лавозимида ишлаб, маҳаллий аҳоли орасидан юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берди. Бунинг натижасида ўша йиллари кафедрада эндиғина ўқитувчи лавозимида иш бошлаган И.Фармонов илмий-тадқиқот ишига жалб қилинди. Факультетнинг иқтидорли талабаларидан К.Юсупов, Ҳ.Рустамов, Ҳ.Болтабоевалар ўқитувчи

сифатида ишга олиб қолиниб, К.Юдахиннинг илмий раҳбарлигига номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Бу даврда кафедрада лексикография, диалектология соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Қирғизистон ФА ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси К.Юдахин йирик лексикограф, диалектолог олим сифатида ўзбек лексикографияси ва диалектологиясининг ривожланишида катта хизмат қилди. Олим ўзбек-рус таржима луғатларининг яратилишига асос солди. “Краткий узбекско-русский словарь”(1927), “Ўзбекча-русча луғат” (1931) китобларини нашр эттириди. Ўзбек тилининг Қорабулоқ, Водил шевалари бўйича илмий изланишлар олиб борди. К.Юдахин томонидан ёзилган “Киргизско-русский словарь” китоби Давлат мукофотига сазовор бўлди. Кафедрадаги ёшлар ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларига, жумладан, К.Юсуповнинг қиёсий типология, И.Фармонов, Т.Турғунов, Ҳ.Узоқовларни ўзбек диалектологияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилди. Натижада ўзбек тили диалектологияси, қиёсий типология, ўзбек тили тарихи, ўзбек тили грамматикаси йўналишлари бўйича жиддий изланишлар олиб борилди.

1958-1963 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасига филология фанлари номзоди, доцент Ахрор Маъруфов мудирлик қилган. Кафедранинг иккинчи йирик йўналиши ўзбек тили грамматикаси, айниқса, синтаксисини тавсифий тадқиқ этиш саналади. Кафедрада бу йўналишнинг бошланиши А.Маъруфов номи билан боғлиқ. 1935 йилдан кафедра ўқитувчisi сифатида иш бошлаган А.Маъруфов “Ўзбек тилида ҳол эргаш гаплар”(1949), Ҳ.Рустамов “Ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гаплар”(1961) мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

К.Юдахин раҳбарлигига ўзбек ва тожик тилларининг типологияси муаммоларига доир тадқиқот олиб борган К.Юсупов “Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди (1958). И.Фармонов ўзбек тилининг Ўш шеваси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, кейинчалик ўзбек тилининг Қарноб, Ўзган шевалари бўйича ҳам қатор қизиқарли материаллар нашр этди.

1963-1968 йилларда кафедрага филология фанлари номзоди, доцент Турди Рустамов мудирлик қилган. Бу даврда Ҳ.Узоқов “Ўзбек тилининг жанубий Фарғона шевалари”(1966), Т.Турғунов “Ўзбек тилининг ғарбий Фарғона шевалари”(1968) мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ушбу йилларда кафедра олимларининг ўзбек лексикографияси, ўзбек тили стилистикаси, ўзбек тили ўқитиш методикаси муаммолари юзасидан ҳам диккатга сазовор ишлари юзага келди.

1968-1975, 1981-1989 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасига Акбаржон Матғозиев мудирлик қилган.

Кафедра профессори А.Матғозиев ўз изланишлари билан туркий тиллар, хусусан, эски ўзбек тили сўз туркумлари, уларнинг тасниф асослари, луғавий ва грамматик хусусиятлари юзасидан дастлабки назарий фикрларни ўртага ташлади. У филология фанлари доктори F.Абдураҳмонов илмий раҳбарлигига “Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи” мавзусида номзодлик(1966), “Эски ўзбек тили морфологияси бўйича тадқиқот” мавзусида докторлик (1980) диссертацияларини ҳимоя қилди.

Профессор А.Матғозиевнинг мазкур йўналишдаги хизматлари, жумладан, “XIX аср ўзбек тилининг морфологияси” монографияси(1977) нафақат республика илмий жамоатчилиги, балки туркийшунос олимлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Олим халқимиз тарихига оид нодир асарларни авлодларга етказишида ҳам самарали иш олиб борди.

Бу даврда ёш ўқитувчилар М.Раҳмонов ва Ҳ.Фаттоҳов ҳам номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. М.Раҳмонов ЎзФА мухбир аъзоси F.Абдураҳмонов илмий раҳбарлигига ўзбек тили тарихига доир “Туркистон вилоятининг газети” тилининг синтактик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан тилимиз тараққиётида публицистик услубнинг ўрнини очиб берди(1971).

Ҳ.Фаттоҳов профессор А.Рустамов илмий раҳбарлигига “Муҳаммад Ризо Хоксор ва унинг “Мунтахаб-ул луғат”и” мавзусидаги номзодлик диссертацияси билан ўзбек лексикографиясини янги материаллар билан бойитди(1974).

Профессор А.Матғозиев кейинчалик фан доктори, профессор даражасига етган, мактаб яратган катта олимлар С.Мўминов ва Ш.Искандароваларнинг номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди.

Кафедрада узоқ йиллар меҳнат қилиб, 1976-1980 йилларда кафедрага мудирлик қилган профессор Муҳаммаджон Мукаррамов ўзбек тили стилистикаси масалалари бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, миллий стилистика равнақига муносиб ҳисса қўшди.

У “Хозирги ўзбек тилида ўхшатиш ва уни ифодаловчи воситалар” мавзусида номзодлик(1971), “Хозирги ўзбек адабий тили илмий стилининг семантик-функционал аспекти” мавзусида докторлик (1985) диссертацияларини ёқлади.

М.Мукаррамов кафедранинг ёш ўқитувчилари М.Ҳакимов, И.Ҳожалиев ва Э.Ибрагимоваларни илмий-тадқиқот ишларига йўналтириб, уларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди. Олим яратган мазкур соҳадаги асарлар орасида “Ўзбек тилининг илмий стили”(1984) монографияси ўзбек тилшунослигида стилистика бўйича ёзилган энг қимматли асарлардан бирига айланди.

Ўзбек тилшунослиги (буғун кунда тилшунослик) кафедрасида, айниқса, истиқпол йилларида катта ютуқларга эришилди. Кафедра буғунги кунда нафақат университетда, балки мамлакатимизда ҳам ўзининг юксак илмий салоҳияти билан алоҳида обрў ва нуфузга эгалиги бевосита Фарғона филология мактабининг асосчилари, марҳум устозларнинг илмий мактаб ва анъаналари давом этаётганлиги натижасидир.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан яратилган шароит, илм-фанга эътиборнинг жиддий ортиши, етарли моддий ва маънавий шароитларнинг яратилиши натижасида кафедра илмий салоҳиятининг сезиларли ўсишига эришилди. Агар 1930-1990 йилларда кафедрада ихтисослик бўйича 3 нафар фан доктори (F.Абдураҳмонов, А.Матғозиев, М.Мукаррамов) тайёрланган бўлса, 1991-2000 йилларда 4 нафар олим (А.Мамажонов, Ш.Искандарова, С.Мўминов, М.Ҳакимов) фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишди. Эътиборлиси,

ТИЛШУНОСЛИК

уларнинг барчаси Фарғона давлат университети битирувчилариdir.

Бугунги кунда таникли олимларнинг илмий-педагогик вориси бўлган кафедрада таникли тилшунос олимлар – филология фанлари доктори, профессорлар А.Мамажонов, С.Мўминов, Ш.Искандарова, филология фанлари доктори М.Ҳакимовлар самарали фаолият кўрсатиб, ёш авлодни тарбиялаш билан биргалиқда, малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшишмоқда.

Тилшунослик кафедраси илмий салоҳияти жиҳатидан республикамиизда тан олинган нуфузли кафедралардан бўлиб, унинг таркибида 1968 йилдан мақсадли аспирантура, 1996 йилдан докторантураси, 2000 йилдан магистратура, 2012 йилдан катта илмий ходим-изланувчилар институти, 2017 йилдан таянч докторантураси фаолият кўрсатиб келмоқда.

1989-2009 йилларда кафедрага профессор А.Мамажонов, 2009-2014 йилларда профессор Ш.Искандарова, 2014-2020 йилларда филология фанлари номзоди, доцент Э.Ибрагимова раҳбарлик қилган, 2020 йил декабрь ойидан фалсафа фанлари доктори(PhD) М.Мамажонов бошқармоқда.

2003 йилда профессор А.Мамажонов раҳбарлигидаги кафедра ФарДУдаги “Энг яхши кафедра” номинацияси бўйича 1-үринни эгаллади.

Профессор А.Мамажонов синтаксис соҳасида диққатга сазовор изланишлар олиб бориш билан бирга, ўзбек тилшунослигига янги йўналиш – матн лингвистикасининг кириб келишига ҳам катта ҳисса қўшди. У академик F.Абдураҳмонов илмий раҳбарлигига “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида периодлар” мавзусида номзодлик (1975), “Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари” мавзусида докторлик (1991) диссертацияларини ҳимоя қилди.

Олим яратган қатор илмий рисолалар ва қўлланмалар орасида “Текст лингвистикаси” (1979), “Қўшма гап стилистикаси” (1991), “Нутқнинг периодик кўриниши” (1995), “Услубий воситалар” (1996), “Матн синтаксиси” (2002), “Гапнинг шаклий ва мазманий тузилишига кўра турлари” (2004), “Матн бирликлари” (2012), “Синтактик стилистика” (2018) сингари ўқув-услубий қўлланмалари ўзбек

тилшунослигининг ривожида муҳим аҳамият қасб этди.

Ўтган даврда профессор А.Мамажонов илмий маслаҳатчилиги ва раҳбарлигига 9 та диссертация (1 та докторлик, 6 та номзодлик ва 2 та фалсафа доктори(PhD), жумладан, Низомий номидаги ТДПУ доценти М.Йўлдошев “Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи” мавзусидаги докторлик (2008), М.Абдулпаттоев “Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар” (1998), Г.Розиқова “Ўзбек тилида синтактик полисемия”(1999), Э.Ибрагимова “Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари” (2001), О.Мамазияев “Ўзбек тилида хиазм ва градация”(2004), Р.Шукуров “Параллел синтактик бутунликлар” (2005), Д.Юлдашева “Ўзбек болалар нутқида зоонимлар” (2007) мавзуларида номзодлик, Ҳ.Дўсматов “Аския матннинг лингвостилистикаси”(2018), Д.Тешабоев “Ўзбек тилидаги ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар”(2020) мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

И.Хожалиев профессор М.Мукаррамов илмий раҳбарлигига “Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари”(1998), ўқитувчи Н.Умарова профессор М.Миртожиев илмий раҳбарлигига “Алишер Навоий ғазаллари мақтаъсида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши”(2005) мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар ва ўзбек матншунослиги, стилистикаси, тил тарихи соҳаларининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Кафедра олимларининг ўзбек нутқ маданияти соҳасидаги хизматлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кафедра профессори С.Мўминовнинг шу кунга қадар мулокот маданиятининг турли қирраларига оид ўндан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва рисолалари мавжуд. У филология фанлари доктори, профессор А.Матғозиев илмий раҳбарлигига “Окказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли” мавзусида номзодлик(1990), профессор А.Жўраев илмий маслаҳатчилигига “Ўзбек мулокот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари”(2000) мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Олим ўзи олиб бораётган илмий муаммоларнинг кенг омма орасида татбиқ этилишига ҳам катта аҳамият беради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси С.Мўминовнинг “Муомала сирлари” (Т.,1994), “Дили покнинг тили пок” (Ф.,1997. Ҳаммуаллиф), “Сўзлашиш санъати” (Ф.,1997), “Нутқ ва ижод услубининг худудий хосланиши” (Т.,1998), “Нутқ маданияти” (Т.,2005. Ҳаммуаллиф), “Мулоқот мезони” (Т.,2004), “Сув ҳам шифо, сўз ҳам шифо” (Ф.,2007), “Солиқчининг мулоқот маданияти” (Ф.,2004. Ҳаммуаллиф), “Шеър қайнайди қалб булоғида” (Т.,2008), “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” (Ф.,2021) каби нутқ маданияти, одоб-ахлоқ масалаларига оид монография ва илмий-оммабоп рисолалари нуфузли нашриётларда босилиб чиқди.

Професор С.Мўминов илмий раҳбарлигига 4 та диссертация (2 та номзодлик ва 2 та фалсафа доктори (PhD), жумладан, Қ.Расулов “Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши” (2008), М.Сулаймонов “Ўзбек тилидаги дастхатларнинг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” (2009) мавзусида номзодлик, В.Нафасова “Ўзбек тили паронимларининг лисоний таҳлили”(2019), М.Мамажонов “Антропонимлар дискурс релевантни сифатида” (2020) мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациялари (PhD)ни ҳимоя қилиш билан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти ва лексикология соҳаларининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Бундан ташқари, кафедрада ўзбек нутқ маданияти, мулоқот муаммолари борасида яна қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, ўқитувчи З.Акбарова профессор Н.Маҳмудов илмий раҳбарлигига “Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи”(2007) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Кейинги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тилшуносликдаги янги илмий йўналишлар бўйича ҳам изланишлар олиб борилди.

М.Ҳакимов профессор М.Мукаррамов илмий раҳбарлигига “Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик(1994), профессор А.Нурмонов илмий маслаҳатчилигига “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” мавзусидаги докторлик(2000) диссертацияларини ёқлади.

М.Ҳакимовнинг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” (2013), “Нутқий актлар назарияси”(2020), “Прагмаинтонация” (2020, Германия) монографиялари, “Ўзбек тили прагматики” (2011), “Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи” (2020) каби ўқув-услубий қўлланмалари ўзбек тилшунослигидаги янги илмий соҳанинг ривожида муҳим ўрин тутади.

Филология фанлари доктори М.Ҳакимов илмий раҳбарлигига 5 та (1 та номзодлик, 4 та фалсафа доктори), хусусан, катта ўқитувчи М.Зокиров “Лингвистик интерференция ва унинг ўзбектожик билингвизмида намоён бўлиши” мавзусида номзодлик (2007), Ш.Тошхўжаева “Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси”(2017), С.Зокирова “Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни”(2018), С.Қурбонова “Бадий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш”(2018), Ш.Юсупова “Диний матнларнинг лингвопрагматик тадқиқи” (2021) мавзуларида филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациялари(PhD)ни ҳимоя қилдилар.

Кафедра докторанти М.Газиева профессор Д.Набиева илмий раҳбарлигига “Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди(2018).

З.Алимова доцент М.Зокиров илмий раҳбарлигига “Ўзбек тилидаги форсачатожикча ўзлашмаларнинг фонетик, лексик-семантик хусусиятлари” мавзуидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди (2020).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг республика миёсидаги илмий салоҳияти ҳисобга олинган ҳолда, 2003-2005 йилларда Фарғона давлат университети ҳузурида 10.02.02 – ўзбек тили ихтисослиги бўйича фан номзоди илмий даражасини олиш учун Ихтисослашган илмий Кенгаш фаолият кўрсатди.

2003-2005 йилларда фаолият олиб борган мазкур илмий Кенгашда Фарғона водийси (О.Мамазияев, М.Ҳакимова,

ТИЛШУНОСЛИК

О.Бозоров, Р.Шукуров, Н.Умарова, З.Исақов) ҳамда қүшни Қирғизистонда (К.Сулаймонова, Н.Ортиқова, Д.Воққосова) илмий изланиш олиб бораётган 9 нафар тадқиқотчи номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2017 йилдан бошлаб Фарғона давлат университети ҳузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгаш 10.00.01 – Ўзбек тили, 10.00.02 – Ўзбек адабиёти ва 10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси ихтисосликлари бўйича фаолият олиб бормоқда. Мазкур илмий кенгашда шу кунга қадар 60 дан ортиқ докторлик (DSc ва PhD) диссертацияларининг ҳимояси ўтказилган бўлиб, илмий кенгаш, жумладан, ўзбек тили, тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси йўналишлари бўйича нафақат Фарғона давлат университети, балки республикамизнинг турли ҳудудлари олий таълим муассасаларига ҳам илмий-педагогик кадрлар етказиб беришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур илмий кенгашда ФарДУ (Ш.Ганиева, Ҳ.Дўсматов, С.Зокирова, А.Расулова, С.Гафурова, С.Қурбонова, Н.Хошимова, Д.Тешабоев, М.Шокирова, М.Амонов, З.Алимова, М.Мамажонов, И.Холдарова, Ш.Юсупова), ҚўқонДПИ (Ш.Тошхўжаева, М.Раҳимова, F.Раҳмонов, Ш.Қаландаров, О.Бектошев, М.Эргашев, В.Каримова, Д.Раҳматуллаева), АнДУ (Д.Рустамов, Д.Рустамова, Ш.Алпанова, О.Турсунова), НамДУ (У.Қўзиев, Н.Пазлиддинова, И.Дарвишев, Ю.Неъматова, Н.Қозоқова, Ҳ.Солихўжаева), ЎДЖТУ (М.Галиева, Р.Маджидова, Г.Одилова, Б.Қўшоқова, З.Хожиева), СамДЧТПИ (Р.Самандаров, Н.Сулаймонова), ҚарДУ (Г.Насруллаева), ЖиззахДПИ (Ф.Жумаева, И.Умаров), Навоий кончилик институти (Р.Маҳмудов, М.Абжалова) тадқиқотчилари докторлик (DSc ва PhD) диссертацияларини муваффақият билан ҳимоя қилдилар.

Шуни таъкидлаш ўринлики, тилшунослик кафедрасининг етакчи олимлари томонидан Фарғона давлат университетидан ташқари, мамлакатимиз ва қўшни Қирғизистон олий ўқув юртлари учун ҳозиргача 8 нафар (1 та фан доктори, 2 та фан номзоди, 5 та фалсафа доктори), хусусан, профессор А.Мамажонов томонидан 1 нафар фан доктори

(М.Йўлдошев, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти), профессор С.Мўминов томонидан 1 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) (В.Нафасова, Қарши давлат университети), профессор Ш.Искандарова томонидан 2 нафар фан номзоди (Д.Ваққосова, Қирғизистон Республикаси Жалолобод давлат университети; Г.Исақова, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) ва 3 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) (У.Қўзиев - НамДУ, З.Джурабаева – АнДУ, Д.Раҳматуллаева – ҚДПИ), ф.ф.д., М.Ҳакимов томонидан 1 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) (Ш.Тошхўжаева, ҚДПИ) илмий даражасига эга илмий-педагогик кадрлар тайёрланди.

Ўзбек тили ва адабиёти йўналишининг узоқ йиллик тарихига назар ташланса, ўтган давр мобайнида факультетда таҳсил олган собиқ талабалар илм-фан, маданият, бадиий ижод, таълим-тарбия ва бошқа қатор соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, забардаст тилшунослар F.Абдураҳмонов, А.Нурмонов, Ҳ.Шамсиддинов, А.Мадвалиев; ҳозирда вилоятимиз ва республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган тилшунослар М.Йўлдошев, Қ.Расулов, М.Сулаймонов, Н.Сайдираҳимова, Ҳ.Шокирова кабиларнинг етишиб чиқишида фарғоналик олимларнинг хизмати катта.

Кафедра Фарғона давлат университетининг бир қатор факультет ва йўналишлари учун малакали илмий-педагогик кадрлар етказиб беришда пешқадам. Жумладан, факультетда ўқиб, ушбу кафедрада ишлаган, илмий тадқиқотлар олиб борган ва бугунги кунда илмий унвон ва даражага эга кадрлардан 7 нафари (З.Акбарова, Д.Юлдашева, Б.Қурбонова, Ш.Ганиева, С.Зокирова, Д.Тешабоев, И.Холдарова) университетнинг мактабгача ва бошланғич таълим факультетида, 5 нафари (М.Қаҳҳорова, Н.Хошимова, М.Шокирова, Қ.Қаҳҳоров, Ш.Юсупова) чет тиллар факультетида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилмоқда.

Сўнгги 5 йилда (2015-2020) ҳам тилшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари ўқув-услубий, илмий ва

маънавий-маърифий соҳаларда кўзга кўринарли натижаларга эришдилар.

Хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 18 та шартнома ва келишувлар имзоланиб, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Жумладан, Қозогистонда Л.Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университети; Тоҷикистон миллий университети, Хўжанд давлат университети, С.Айний номидаги Тоҷикистон давлат педагогика университети; Қирғизистонда Ўш давлат университети ва Қирғиз-Ўзбек университетлари ўртасида шартномалар ва кафедралар ўртасида келишувлар имзоланди.

Ҳозирда тилшунослик кафедрасида ўзбек тилшунослиги ва тил назариясининг бугунги кундаги долзарб муаммолари – синтаксис, матн лингвистикаси, тилни система сифатида ўрганиш, прагмалингвистика, тил тарихи, ономастика муаммолари бўйича ўнлаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кафедра олимлари 10.00.01 - Ўзбек тили, 10.00.04 - Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти, 10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик,

чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик, 10.00.11-Тил назарияси. Амалий компьютер лингвистикаси ихтисосликлари бўйича малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этяпти.

Ҳозирда кафедрада 9 та докторлик DSc (Doctor Science), 20 та филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари тайёрланмоқда (бундан 7 нафари докторантлар, 4 нафари мустақил изланувчи, 9 нафари тадқиқотчилар).

Хулоса қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида Фарғона давлат университетида нафақат водий, балки мамлакатимиз илмфани ва малакали илмий-педагогик кадрлар етиширишга катта ҳисса кўшган Фарғона тилшунослик мактаби шаклланди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, мустақиллик ва сўнгги йиллардаги фаолият самарадорлиги ушбу мактабда устозлар анъанаши шаклланганлиги, давлатимиз томонидан берилётган эътибор ва жамоанинг меҳнати натижаси ушбу мактабнинг келажаги ҳам порлоқ ва бардавом эканлигига умид уйғотади.

Адабиётлар:

1. Ўринов А.Қ., Аҳмедов М.Ҳ. Илм ва зиё маскани. – Фарғона, 2003.
2. Фарғона давлат университети олимлари. – Фарғона, 2003.
3. Солижонов Й., Исқандарова Ш., Раҳимов З. Фарғона филология мактаби. – Фарғона, 2015.
4. Фарғона давлат университети. – Фарғона, 2015.
5. Исқандарова Ш., Мўминова Т. Тилшунослик кафедраси олимларининг илмий қарашлари. // – ФарДУ илмий хабарлари, 2014, №4. 53-58-бетлар.